

20

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGHONSEN SEN, AGAR OGHONSEN SEN, SHOHSEN SEN

12  
(1070)  
21-mart  
2013  
www.xabar.uz  
info@xabar.uz

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHR QILADIGAN HADISA. 2013-yil martdan chiqa boshlagan

## Юртимизга хуш келдинг, Наврўз!


Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан кутлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларимни билдираман.

"Обод турмуш" деб ном олган йилимизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!

Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан



### Алоқа оламида

IRIS компанияси сканер вазифасини ҳам бажарувчи IRIScan Mouse деб номланган компьютер "сичқончаси"ни ишлаб чиқди.

"Сичқонча"га ўрнатилган 300 dpi ўлчамли оптик сенсор А3 форматгача бўлган ҳужжатларни сканерлай олади. Бунинг учун ундаги тугмача босилиб, қороз бўйлаб юритиб чиқилса бас. Махсус дастурий таъминот тасвири "йиғади" ва маттни ўқий олади.

IRIScan Mouse компьютерга USB-порт орқали уланади ва унинг баҳоси 100 доллар атрофида баҳоланмоқда. Табиийки, "сичқонча" асосий вазифаси (навигация)ни ҳам аъло даражада ундайди.



Сўнгги янгиллик!

### Ушбу сонда:

■ Ахборотлашган жамият	3
■ Принтер кийим чиқарадими?	4
■ Қадриятларимизнинг гўзал намоиши	5
■ Права инвалидов и портал ЖКХ	6
■ Наврўз мушоираси	14

Теледастурлар, спорт, сканворд

## Jumadan umagacha

19 mart kuni Alisher Navoiy nomidagi Ўзбекистон Миллий боғида умумхалқ Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намоёндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юрдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этди. Тантанали маросимда санъат усталари ва ёш ижрочилар томонидан концерт дастури намойиш қилинди.

Президент Ислам Каримов раислигида 15 март кuni Оксаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилди. Мажлисида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спорт объектлари, сузиш хавзалари ҳамда болалар мусика ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, малакали спорт мурабийлари, айниқса, аёл спорт устозларини тайёрлаш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, спорт иншоотларидан фойдаланишни самарадорлиги ва спорт билан оммавий шуғулланиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижалари атрофлича таҳлил қилинди ва устувор вазифалар белгилаб олинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Ҳисоб палатасининг 2012 йили ҳисоботи эшитилди. Ҳисоб палатасининг ахборотига кўра, Давлат бюджети даромадлар қисмининг ижроси тўлиқ таъминланди, Давлат бюджети маблағлари харажатлари эса тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилди. Муҳокама чоғида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2012 йили ҳисоботини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Самарқандда ўзбек миллий кино санъати кунлари ўтказилди. "Обод турмуш йили Давлат дастури" ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекино" миллий агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда танқид кино ва театр актёрлари, режиссёрлар, санъатшунослар қатнашди. Фестивал доирасида кейинги йилларда суратта олинган "Матонат", "Тубанлик", "Армонли дунё", "Жигарбағдим" каби ўнга яқин миллий кинофильмлар вилоятдаги кинотеатрларда намойиш этилди. Фильмлар иждорлари билан учрашувлар ўтказилди.

# Электрон ҳукумат

**Дунёнинг тараққий топган мамлакатларида "Электрон ҳукумат" миллий тизими фаол татбиқ қилинмоқда. Бу тизим давлат тузилмаларини бошқаришни, давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги алоқани мустақамлаш орқали бизнес жараёнларини самарали ривожлантиришни таъминлабгина қолмай, фуқароларга давлат хизматларини интернет орқали ҳаммабон интерактив шаклда тақдим этиш имконини ҳам яратди.**



Мамлакатимизда ҳам бир неча йиллардан буён, мақсадли равишда интерактив давлат хизматларини аҳоли ва юридик шахсларга давлат органлари веб-сайтлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали орқали тақдим этиш учун ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда. 2007 йилдаёқ, 49та Базавий интерактив давлат хизматлари реестри (БИДХР) тасдиқланган. 2009 йилда у 94тага кенгайтирилган бўлиб, ҳозирда эса БИДХР 195дан зиёд кўринишни камраб олади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Электрон ҳукумат тизими ва интерактив давлат хизматларининг ривожланиши" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Шерзод Шерматов ОАВ вакиллариغا "Электрон ҳукумат тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақида маълумот берди. Бугунги кунда ушбу йўналишда Корея Республикаси экспертлари билан ҳамкорликда иш олиб борилаётганига тўхталди.

Қўмитанинг Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи Олимжон Умаров мавзу бўйича батафсил маъруза қилди. Маърузачи "Электрон ҳукумат тизимининг устувор вазифалари ҳақида тўхталар экан, давлат дата-маркази-

ни, интерактив давлат хизматларининг ягона портали ҳамда давлат органлари ахборот тизими мажмуасини ташкил этиш каби масалалар устида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Маълум қилинишича, шу йилнинг 1 июлидан интерактив давлат хизматларининг ягона портали ишга туширилади.

Мамлакатнинг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган 2013 йил 18 январдаги Ҳукумат мажлисида Президентимиз Ислам Каримов мамлакатда "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш Концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқиш муҳимлигини қайд этиб ўтганди.

Давлат органлари раҳбарлари ва мутахассисларидан тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан мазкур йўналишда дунё етакчиси бўлиши Корея Республикаси ва бошқа хорижий мамлакатларнинг "Электрон ҳукумат" борасидаги илғор тажрибалари инобатга олинди, "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш бўйича Концепцияси ва Комплекс дастурини, шунингдек, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш Комплекс дастурини ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда.

Лойиҳаларни ишлаб чиқишда корейлик ва бошқа хорижий экспертлар фаол қатнашмоқдалар, ушбу йўна-

лиш бўйича Ўзбекистоннинг турли вазирликлари ва идоралари мутахассислари билан давра суҳбатлари, учрашувлар, семинарлар ва йиғилишлар ўтказилди.

Ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон Республикасида 2013-2017 йилларда "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш бўйича Концепцияси ва Комплекс дастур давлат органларининг ўзаро ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан муносабатларининг бугунги ҳолати ва йўналишларини инобатга олган ҳолда, "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича асосий вазифаларни белгилайди. "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш учун давлат органлари интерактив хизматларининг турли соҳалари ва йўналишлари бўйича мақсадли кўрсаткичлар ва индикаторлар ишлаб чиқилган.

"Электрон ҳукумат" тизими жорий этилиши натижасида тўлиқ транзакцияланган хизматларга ўтилиши кутилмоқда, бу эса, аҳоли ва бизнес вакилларининг давлат хизматидан фойдаланишда турли инстанцияларга қатнашни ва давлат хизматчилари билан бевосита мулоқотда бўлишни истисно этади. Бу, ўз навбатида, аҳолига қўшимча қулайликлар яратишга ва бизнес юритиш шароитларини яхшилашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

## ТАЙИНЛАШЛАР

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасида меҳнат шартномаси асосида АКТ бўйича маслаҳатчи жаноб Ким Нам Сок бошчилигида корейлик бир гуруҳ мутахассислар иш бошлади. Жаноб Ким бундан аввал Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлиги вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида иш олиб борган.

Корея Республикасининг "Электрон ҳукумат" бўйича халқаро рейтингларда бир неча йилдан бери етакчилик қилиб келаётганини ҳисобга олиб ва Кореянинг ана шу илғор тажрибасини жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" концепциясини самарали амалга ошириш мақсадида жаноб Ким Нам Сокка Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари мақоми берилди.

Жаноб Ким Нам Сокнинг ушбу лавозимга тайинланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19-21 сентябрда Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг амалий ифодасидир.

Жаноб Ким Нам Сок юртимиздаги фаолияти чоғида "Электрон ҳукумат" дастурини шакллантириш бўйича иш олиб боради.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Кузатов кенгаши қарорига мувофиқ Абдурашид Абдуҳадович Абдумўминов компания бош директори этиб тайинланди. А.Абдумўминов бунгача "Ўзбектелеком" АКнинг "ТШПТ" филиали директори лавозимида ишлаган.

Тошкент ахборот технологиялари университети ректори буйруғига мувофиқ Ли Чул Су университет проректори — АКТ бўйича маслаҳатчи лавозимига тайинланди.

(Давоми. Бошланиши ўтган сойда.)

Мухтарам Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 25 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисида тақдим этган Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари ушбу соҳада босқичмас-босқич амалга оширилаётган тадбирнинг ислохотларининг узвий давоми бўлиб, ахборот олишнинг эркин ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги принципларини амалга ошириш, соҳада бозор механизмларини янада такомиллаш-

**Айни вақтда 98 фоиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг интернет глобал тармоғида ўз веб-сайтлари яратилган. Базавий интерактив давлат хизматларининг умумий сони эса 197тага етказилди.**

мида 28та йўналиш бўйича дунёнинг 180та мамлакатига тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналлар орқали ўз хизматларини кўрсатишмоқда.

Айни вақтда кўмитамиз аъзолари бўлган депутатлар соҳа мутахассислари, экспертлар, ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологияларига оид қонунларни янада такомиллаштириш устида фаол иш олиб боришмоқда. Соҳага оид янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан давом эттирилаётган саъй-ҳаракатларимиз жамиятни ахборотлаштиришга йўналтирилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қўламда фойдаланишни рағбатлантириш,

ларини яқинига етказиш каби масалаларни киритиш мумкин.

Шунингдек, замонвий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этишга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, илгор технологияларга асосланган қурилма ва воситалар ишлаб чиқариш кўламини ошириш, янги ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларни жорий этиш мақсадида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини иноватта олган ҳолда тегишли қонунлар ва қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунларни ишлаб чиқиб, қабул қилишни ҳам даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

# Ахборотлашган жамият

ёхуд Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонунчиликни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари

**Иккинчи мақола**

тириш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишни назарда tutади.

Концепцияда оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш таклиф этилди. Бу қонуннинг ҳаётга жорий этилиши давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш, давлат органларининг ахборот хизматлари ва медиа-тузилмалари ишини фоллаштириш, улар томонидан маълум бир муддатларда брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этиб бориш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтиришга ҳизмат қилади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ошқоралиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва роли ҳам алоҳида белгилаб қўйилмоқда. Зеро, бугунги тезкор ва шиддаткор замонда замонвий ахборот-коммуникация технологияларининг чексиз имкониятларидан самарали фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мазкур соҳада мамлакатимизда бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, кейинги йилларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг компютер техникаси, локал ҳисоблаш ва корпоратив компютер тармоқлари билан жиҳозлаш кўлами янада кенгайтирилиб, республикамиз бўйича компютер техникаси билан таъминланган даражаси тобора ўсиб бормоқда. Давлат бошқаруви органларида локал ҳисоблаш тармоқлари яратиш борасидаги ишлар яқинига етиб қолган бўлса, корпоратив компютер тармоқлари яратиш бўйича саъй-ҳаракатлар жадал суръатларда давом эттирилмоқда.



Хозиргача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси томонидан ўтказилган назорат-таҳлил яқунларига кўра, АКТга оид барча қонун ҳужжатлари инвентаризация қилиниб, эришилган натижалар бўйича кўмита томонидан мазкур соҳанинг янада эриш ривожланишини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш ишлари дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, яқин йиллар давомида ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор янги қонун лойиҳалари, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Мазкур қонун лойиҳаларининг айримлари ўтган вақт мобайнида ишлаб чиқилиб, парламент муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди.

Ривожланган ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланишда интернет жаҳон ахборот тармоғидаги миллий сегментни ривожлантириш зарурлиги, уни ташкил этишда асосий ўрин тутувчи домен номлари ва домен номлари тизими каби муҳим тушунчаларга таъриф берилиши муҳим аҳамият касб этади. Интернетдан фойдаланиш кўламини кенгайтиришдан асосий мақсад ҳам фуқароларга зарур ахборотни уларга керак бўлган вақтда олиш имконини беришидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 20га яқин телекоммуникация операторлари мавжуд бўлиб, улар телекоммуникация тизи-

ларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа барча соҳаларда янада самарали қўлланилишига қаратилган ҳуқуқий имкониятларини яратиш берилишига қаратилган.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида ахборот хизматларини кўрсатиш, электрон ҳужжат айланиши, ахборот ресурсларидан фойдаланиш қондаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг ўзаро ишлашини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги, ахборотни муҳофаза қилиш ва бошқа йўналишлар бўйича стандартларни ишлаб чиқиш ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардан саналади.

Телекоммуникация соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари сирасига эса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонвий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация воситалари ҳамда интернет тизимини янада кенг жорий этиш, халқаро телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш ва халқаро коммутация марказларини захираш мақсадида йўлдошли алоқа тизими орқали қўшимча каналлар ташкил этиш, рақамли телевидение қамровини кенгайтириш ва рақамли телевидение фойдаланувчиларига қўшимча хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, телекоммуникациялар тармоқларининг ишончлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича захираш ҳамда автоматлаштирилган бошқарув тизимини такомиллаштириш иш-

яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги матбуотда ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб, шундай деди: "Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, қундалик ҳаётимизга замонвий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффеқтинга берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш кийин бўлади".

Дарҳақиқат, бугунги кунда олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Ўрни, қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг қўллаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки замонвий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юқас даражага эришган илгор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур. Бу борада "Электрон ҳуқуқ" тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга, Ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги Юртбошимиз матбуотдаги устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Албатта, яқин истиқболдаги ушбу мақсад-муддаоларни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, самарали ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ҳамда жойларда соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида фаолият олиб бориш биз депутатларнинг устувор вазифамиздир. Пиравардида, бу саъй-ҳаракатларимизнинг натижаси ўларок, истеъмолчиларнинг барча қатламлари ҳамда жадаллик билан ривожланиб бораётган замонвий ахборот-коммуникация технологиялари талабларига мос тушадиган, тубдан янгиланган ахборот-коммуникация тармоқлари вуҷудга келишига замин яратилиб, мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёнлари янада жадаллашди ҳамда Ўзбекистон жаҳон ахборот мақомида ўзига хос ва муносиб ўринга эга бўлади.

**ШУХРАТ ДЕҲҚОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси

Xalqaro  
hayot

**ИРОҚ** пойтахти Бағдоднинг асосан шиалар яшовчи мавзеларида машиналарга ўрнатилган бомбаларнинг портлаши оқибатида камиди 21 инсон ҳалок бўлган, юзлаб инсонлар эса жароҳат олган. Мазкур бомба ҳужумлари АҚШ бошчилигидаги иттифоқчи кучлар томонидан Ироқнинг ишғол этилганга роппа-роса ўн йил тўлган кунда юз берган.

Сўнги йилларда мамлакатда зўравонликлар кескин камайган, бироқ маҳаббаро қуроли қаршиликлар ҳамон давом этмоқда. Расмий хабарларга кўра, Ироқда ҳар ой 300дан ортиқ одам ҳалок бўлади.

**БМТ** бош котиби Пан Ги Мун халқаро жамоатчилик, Сурия ҳукумати ва муҳолифатига мурожаат қилиб, икки йилдан бери давом этаётган можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга чақирди. "Бизга кераги — Сурия бутунлай хароб бўлмасдан аввал сиёсий қарорга келинишига эришиш", — дейилади бош котиб тарқатган расмий хабарномада. Унинг сўзларига қараганда, ҳарбий ҳаракатлардан қанча тез воз кечилса, шунча яхши бўлади.

Хабарномада айтилишича, икки йиллик можаролар давомида 70 мингдан кўпроқ одам ҳалок бўлган, уч миллион киши қочоққа айланган, улардан бир миллиони хорижда. "Бу тинч сиёсий музокара ва реал ўзгаришлардан кўра қурол ишлатишни маъқул кўриш натижаси", — дейди Пан Ги Мун.

**ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ**да сўнги 30 йил ичидида энг кучли қуроқчилик кузатилмоқда. Табиий офатдан Шимолий орол энг кўп зиён кўрган. Хабарларга қараганда, қуруқ ҳаво ўтган йилнинг декабр ойида бошланган. Мамлакат ҳукумати жорий йилнинг март ойи бошида қуроқчилик кузатилаётгани ҳақида расман эълон қилган.

Қуроқчиликдан Янги Зеландия иқтисодиёти, айниқса, суг маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғи катта зарар кўрган. Фермерлар энг камиди 820 миллион АҚШ доллари миқдорида зиён кўришгани таъкидланмоқда. Экспертларнинг айтишича, иқтисодиётнинг ўсиши 1,3 фоиздан 1,1 фоизга тушиб кетган.

**АМЕРИКА**нинг машҳур Walt Disney киностудиясига тегишли Диснейленд кўнглилар боғи эндиликда 14 ёшга бўлган болаларни катталар ҳамроҳлигисиз ўз худудига қўймайди.

Мазкур таъқиқ 23 мартдан бошлаб кучга киради, аммо дастлаб фақатгина Америкадаги Дисней паркларига жорий қилинади. Кейинчалик хориждаги бошқа Диснейлендлар ҳам ана шундай тартиб ўрнатилди.

**ҲИНДИСТОН**нинг Махараштра штатида йўловчи автобуснинг кўприкдан дарёнинг қуриган узанига ағанаши натижасида 37 киши ҳалок бўлди. Маълум бўлишича, жароҳатланганлар орасида хорижликлар, жумладан, россиялик бор.

Полиция берган маълумотларга кўра, автобус Гоа штатидан Мумбайга кетаётганда, ҳайдовчи номаълум сабабларга кўра бошқарувни эпловмай қолган.

Ҳалокат Мумбайдан тахминан 350 километр узоқда содир бўлди.

**АҚШ** Президенти Барак Обама Исроил телевидениесига берган интервьюсида Эрон ядро қуролини камиди бир йил ичида ярата олмаслигини маълум қилган.

Унинг айтишича, АҚШ Эроннинг ядро ҳаракатларига чек қўйиш учун ҳарбий кучдан фойдаланишни тўхтатмайди.

Обаманинг таъкидлашича, Исроил раҳбарияти муаммони ҳарбий йўл билан бартараф этишга ошқинасликни лозим. Бинобарин, Эронга қарши қўлланиладиган кучли санкциялар янада таъсирли натижа бериши мумкин.

ПРИНТЕР  
КИЙИМ  
ЧИҚАРАДИМИ?

Тобора янги-янги соҳаларни забт этаётган 3D-принтерлар оддий фойдаланувчилар учун ҳам кенг имкониятлар тўхфа этиши мумкин.

Эхтимол принтерда кийим чиқариш мумкин дейилса, фантастик филмлардаги воқеалар эсингизга тушар, бироқ яна бир неча йиллардан кейин бу ҳақиқатга айланса-чи!

Мазкур қурилма сенсор экран-

ли бўлиб, деворга ўрнатилади. Принтер кўпгина дўконлар билан боғлангани учун фойдаланувчи ўзи учун керакли маҳсулотни танлаши ва унинг "чоп этилиши"ни кутиши лозим. Дарвоқе, принтерда кийим учун қайси турдаги ма-

тони танлаш имкони ҳам мавжуд.

Агарда бу кийимни киявериш жонингизга тегса, принтер уни бошланғич материал (хом ашё)га айлантириб беради. Кийим чиқарувчи принтер гоёси муаллифи — дизайнери Жош Хэррис бўлиб, ўз орауси камиди 2050-йилларга бориб ушалишига умид қилмоқда.

## AT-хабарлар

Жорий йил жаҳон LTE-қурилмалар  
бозори икки бараварга кенгайди

2012 йили АҚШ, Япония ва Жанубий Корея мазкур қурилмалар бозорида етакчилар бўлишган, аммо BRIC (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой) мамлакатларида талабнинг сустлиги боис глобал мобил инфратузилма бозорида кўпчилик кутган ўсиш кузатилмаганди.

2013 йили айнан BRIC мамлакатлари ташаббусни қўлга олмақчи. Бунинг натижасида 2013 йилги LTE-инфратузилма учун сарф-харажатлар икки бараварга ошиб, 10 млрд. доллардан зиёдин ташкил этади.

Маълумот учун: ўтган йил якунларига кўра, жаҳонда симсиз алоқа абонентлари сони 6 млрд.ни ташкил этганди, 2017 йилда эса 7 млрд.лик доvon забт этилиши ва шундан 569 млн. киши LTE-тармоқ фойдаланувчилари ташкил этиши кутилмоқда.

Плазмали  
телеэкранларини  
чиқаришни тўхтатмоқчи

Panasonic компанияси 2014 йили 15 йилдан буён тақдим этиб келаётган плазмали телеэкранларини чиқаришни тўхтатмоқчи. Бу япон компаниясининг хорижлик, чунончи, жанубий корейлик ишлаб чиқарувчилар билан рақобат курашида енгилганини аналатади.

Айтиш кераки, сўнги йилларда Panasonicнинг молиявий зарари рекорд даражага етганди.

## Боғлиқлик жойи йўқ воқеа, аммо...

Янги Рим Папаси (Хорхе Марио Берголио)нинг сайланиши — бир қарашда интернет ёки технологиялар соҳасига ҳеч қандай боғлиқлик жойи йўқ воқеа, аммо бу бир қарашда, холос.

Гап шундаки, Сикстин капелласи узра оқ тутун кўкка ўрлаши билан юзлаб кишилар янги папа номига ўхшаш доменларни олиш учун рўйхатга ёзилиши ва ҳозирча 650дан зиёд "папа" доменлари пайдо бўлди.

Қолаверса, Twitter ижтимоий тармоғида ҳам жонлиниш кузатилди. Хатто Ватикан махсус хизмати Папа Бенедикт XVI истеъфосидан сўнг тўхтатиб қўйилган Рим Папасининг Twitter-аккаунтини яна ишга туширди. Яна бир маълумот: собиқ папанинг домен номи — PopeBenedictXVI.com 2005 йили 5000 долларга сотилганди.

## Microsoft Windows 8ни татар тилига ўғирди

Мазкур амалий тизим учун локаллаштириш пакети бепул бўлиб, Microsoft Windows 8нинг лицензион шакли учун амал қилади — эндиликда фойдаланувчилар тизимнинг ишчи тили сифатида татар тилини ҳам танлашлари мумкин.

Келгусида компания бошқа дастурий маҳсулотларини ҳам татар тилига ўғирини режалаштирган.

Fujitsu Laboratories ҳамда Fujitsu Research and Development Center (Хитой) 10 Гб/с. тармоқ компонентлари воситасида 100 Гб/с. тезликда маълумот узата олувчи илк оптик технологияни тақдим этишди.



## Фурурли юртга байрамлар ярашади

Истиқлол инъом этган улугъ неъматлардан бири Наврўзнинг халққа қайтганидир. Наврўз — дўстлик, биродарлик байрами, миллати, дони, эhtiвқидан қатъи назар ундан барча бахриманд.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан тинчликсевар халқ. Барча даврларда халқларнинг, миллатларнинг ўзаро тинч-тотув, осойишта, дўст-биродар бўлиб яшаши тарафдори бўлиб келган. Шунинг учун ҳам ушбу байрам умуминсоний қадрият ҳисобланади.

Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда, осмонимиз мусоффо, мустақил ватанимиз кундан-кун тараққий этиб бормоқда. Республикамызда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан халқимиз гурурланиб яшамоқда. Кундан-кунга чирой очиб, гўзаллашиб бораётган юртимизга ва унинг меҳнатсевар, меҳмондўст халқига байрамлар ярашади.

Шундай ажойиб байрам билан барча юртдошларимни, ҳамкасбларимни чин қалбимдан табриқлайман. Барчаларига бахт-саодат, соғлиқ-саломатлик, оилаларига файзу барака, эл юртга тинчлик, осойишталик тилайман.

**Зоҳид КОСИМОВ,**  
"Халқаро почта" филиали директори ўринбосари

# Қадриятларимизнинг гўзал намоиши

Улугъ байрамларимизга тайёргарлик кунларининг шукуҳи ўзгача. Қалбларда шукроналик туйғулари тўлиб-тошади. Олий неъматларга нурафшон йўллар очувчи бу ёқимли туйғу ҳар инсонга туганмас куч ва ҳушнудлик бағишлайди.



Наврўзолди ҳашарида ғайрат кўрсатаётган навқирон ёшлару нурунийларга боксангиз дилингиздан ана шулар ўтиши табиий. Айниқса, Фарғонада бугунги кунлар сурури, бунёдкорлик шижоати ҳар йилгидан ҳам бўлакча. Замонавий меъморчилик талаблари асосидаги бетакрор шаҳар барпо бўлмоқдаки, очилиб бораётган чиройидан хайратланасиз. Гёте "Архитектура — тилсиз мусиқа" деганича бор экан.

Вилоят алоқачилари ҳам умумхалқ ҳашарида ўзларига қарашли ҳудудларда кенг миқёсдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оши-

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалида ҳамда барча ПАТларда жами 1247 нафар раҳбар, ишчи-ҳодим қатнашиб, 11 гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди.**

риш билан бу хайрли ишларга муносиб ҳисса кўшмоқдалар.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалида ҳамда барча

ПАТларда жами 1247 нафар раҳбар, ишчи-ҳодим қатнашиб, 11 гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. 21 тонна манший ва қурилиш чикиндилари чиқариб ташланди. 5,48 км. ариқ ва лотоклар тозаланди. 3500 туп дарахтга шакл берилди ва оқланди.

Ҳашарда "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали ҳамда ТБлардан ҳам 620 нафар раҳбар ва ишчи-ҳодим иштирок этди. 5,6 гектар майдон ободонлаштирилди, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

ТАТУ Фарғона филиали, вилоят АКМ, Фарғона ЭММХ, РТС, "Матбуот таркатувчи" шўъба корхонаси каби қатор алоқа корхоналари жамоалари ҳашарда ибрат кўрсатиб, ўз ҳудудларида, маҳаллаларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш юмушларини адо этдилар.

**Ҳафиза САЛЯХОВА,**  
"Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

## Кўшкўпирда семинар

"Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали Кўшкўпир телекоммуникациялар боғламасида "Филиал ва туман телекоммуникациялар боғламаларида бирламчи техник ҳисоботларнинг юритилиши тартиби" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Туман ва шаҳар телекоммуникациялар боғламалари мутахассислари қатнашган семинарни филиал техник директори Аҳмадҷон Самандаров кириш сўзи билан очди.

Филиалларда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан 2009 йилда ўтказилган ўрганишлар натижалари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида филиал эксплуатация

ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Абдураим Абдирахмонов ахборот берди.

Соҳада кўрсатилаётган телекоммуникация хизматларининг иш сифатини меъёрий ҳужжатлар талабидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш ҳамда мижозлардан келиб тушган ариза ва шикоятлар билан ишлаш тартиби, кроссда бирламчи ҳисобот ҳужжатларини тўғри юритилиши борасида вилоят Алоқа инспекцияси ходимлари Фарҳод Бобоҷонов ва Тозагул Қодировалар тушунтиришлар беришди.

Тадбир сўнггида Кўшкўпир телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Аминбой Давлетов шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган ишлар хусусида аτροφлича гапириб берди.

**Адолат ЖУМАНИЕЗОВА,**  
боғлама меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси муҳандиси



## Шукрона

Шукрлар бўлсинки, тинчлик-омонликда баҳорга ҳам етиб келдик. Энг гўзал айём Наврўзга ҳар йилдек шоду хуррачликда қўлиб олдик. Бундай дорилмон кунларда заки билан меҳнат қилиш, йўқиб ўрғинаш, фақат келижакка иштиғили ярашиди одамга.

Кўпгина иш билан бўлиб куним ўтуганини ҳам сезмай қоламиз. Буни ўз касбиюни севишимдан, ундан роҳат олиб меҳнат қилишимдан, деб билганим. Айниқса, шу кунларда — Наврўз ҳукм суряётган дамларда ишчию янада кўнайдим. Яқинларига, армия сафидаги фарзандларига табриқ хатлари, отқатқалар юбораётган ҳамшаҳарларимиз шодлигидан, уларнинг узоевни ақин қилаётганимиздан ғайратимизга янада ғайрат кўпилади. Иш куним тугаб жонажон ошман бағрига қайтар эканман, турмуш ўртоғимнинг меҳрини, фарзандларимнинг, невараларимнинг бекам бахтини тўлиб ҳар кун шукроналар айтаман.

Баҳор бизнинг мейваси ҳолимызга ҳам ўз севгани ёйди. Оила аъзоларимиз жам бўлишиб томоғрақимизни яхши наятлар ила турли мевали дарахтлар, хўжалигимизга керакли сабзавотларни турфа гуллар билан безаягимиз. Ўз меҳнатимиз, қалбимиз кўри билан етилган бу нозу неъматлар тил давониди дастурхонимизни тўлдирди. Юрт тинчлигию фарзандлари камолони ўйлаган биз каби аёллар учун бундан орттиқ бахт ийқ аслида!

Байрам баҳона дилимдаги сўзларни сиз билан баҳам кўрар эканман, барчангизга соғ-омонлик, оилаларингизга хотиржамлик тилайман. Наврўз олам ҳаммамизга муборак бўлсин!

**Сайёраҳон УММАТОВА,**  
Андижон шаҳридаги 17-алоқа бўлими бошлиғи

## Бугуннинг талаби

### фаолиятда ижро интизомини мустаҳкамлаш

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалида шаҳар ва туманлар почта алоқаси тармоқларининг иш юритувчилари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Ижро интизомини мустаҳкамлашга бағишланган бу тадбир фаолиятни бугунги кун талаби даражасида ташкил этиш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилгани билан катта аҳамият касб этди. Филиалнинг ходимлар бўлими бошлиғи Ойбахор Қорабоева ҳамда етакчи мутахассислардан Адолат Холлиева, Умаржон Хушвақтов, Дилфузахон Жўраевалар кун тартибдаги масаланинг долзарб жиҳатлари ҳақида сўзлашди.

Семинарда архив иши ва "Е-Нужат" тизимида ишлаш тартиби бўйича ҳам тушунчалар берилди. Шаҳар ва туманлар ПАТ иш юритувчилари ўзларини кизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Йиғилиш қарориди жойларда ижро интизomini назоратини кучайтириш, фуқаролар мурожаати билан ишлашни янада яхшилаш, муомала маданиятига эътиборни ошириш ҳамда "Е-Нужат" тизимида ишлашни мукамал эгаллаш вазифалари қамраб олинди.

**Н.ЗИЁЕВ**

Умумхалқ ҳашарида 17,5 млн.дан орттиқ ҳамюртимиз қатнашди.

## Выставка инновационных проектов

В Самарканде прошла региональная выставка инновационных идей, технологий и проектов.

На мероприятии, организованном в рамках исполнения постановления Президента страны "О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство" от 15 июля 2008 года, представлены инновационные разработки специалистов высших учебных заведений Самаркандской, Ташкентской, Сырдарьинской, Джизакской, Кашкадарьинской, Навоийской и Бухарской областей.

Эта традиционная выставка, ежегодно проводимая в столице и регионах нашей страны, способствует внедрению в практику и эффективному использованию новшеств, являющихся результатом научных исследований и изысканий.

— Нынешняя ярмарка является удобной возможностью для демонстрации технологий и разработок, созданных в вузах региона за последние годы, ознакомления с проводимой в этом направлении работой и обмена опытом, — говорит проректор Самаркандского государственного университета Мумин Кадыров. — В частности, созданные учеными наше

го университета устройства выработки альтернативной энергии, более тридцати разработок, касающихся нефтяной промышленности, информационных технологий, обеспечения чистоты окружающей среды вызвали большой интерес у участников.

Основную часть более 150 представленных на выставке разработок составили современное оборудование, препараты и материалы.

— Представленный на выставке фотоэлектрический солнечный генератор способен превращать солнечную энергию непосредственно в электрическую без каких-либо дополнительных устройств, — говорит студент Гулистанского государственного университета Илс Мувиханов. — Устройство компактно и удобно для транспортировки, экологически безопасно. Выработанная энергия накапливается в аккумуляторах. Это устройство может использоваться на производстве, в фермерских хозяйствах и в домашних условиях.

В ходе выставки заключены договора на закупку и производство представленных устройств и технологий.

## "Билайн" развивает сети GSM и 3G в Каракалпакстане

Оператор связи "Билайн" сообщил о расширении емкости и зоны покрытия базовой сети GSM, а также сети 3G на территории Республики Каракалпакстан.

В результате строительства новых базовых станций повысилось качество связи в Ходжейлинском, Кунградском, Берунийском и Шуманайском районах республики.

Установка дополнительного оборудования также позволила улучшить радиопокрытие таких городов, как Нукус, Тахияташ и Беруни, говорится в пресс-релизе компании.

"Качество предоставляемых услуг по-прежнему остается основным приоритетом компании. Рост абонентской базы и укрепление лидерства "Билайн" в Каракалпакстане делают модернизацию сети нашей главной



задачей в этом году", — сказал директор западного регионального филиала Unitel Рефат Низамудинов.

"Мы всегда учитываем потребность наших клиентов в скоростном мобильном интернете, — отметил директор по региональному развитию Unitel Абай Коланов. — Год назад в Каракалпакстане была запущена сеть 3G, и за последние месяцы мы расширили ее в столице, Ходжейли и Тахияташе".

В отеле Grand Mir прошел семинар "Основы обеспечения доступной среды жизнедеятельности для лиц с инвалидностью и маломобильных групп населения", организованный Государственным комитетом Республики Узбекистан по архитектуре и строительству и совместным проектом ПРООН в Узбекистане и Министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан "Социальное партнерство в обеспечении занятости".

## Права инвалидов и портал ЖКХ

В семинаре приняли участие руководители архитектурных и строительных и ведомств Инспекции надзора из всех регионов Узбекистана. Было активное обсуждение, в котором все сошлись в том, что, не смотря на принятие законов и нормы, обязывающие строить объекты с учетом доступа их для инвалидов, практически нет объектов общего назначения с пандусами, широкими дверями для колясок и отсутствием порогов и ступеней.

К сожалению, невозможно за обозримое время привести все объекты (магазины, аптеки, учебные, медицинские и государственные учреждения) в соответствие с требуемыми нормами, поэтому было предложено работать выборочно и адресно. Если вы знаете учреждение, затрудняющее доступ к нему инвалидов, то оставляете обращение на портале ЖКХ в специально созданном разделе. Обращения с портала ЖКХ доводятся до руководителей хокимиятов и соответствующих служб с мониторингом ответов и реакции по каждому обращению. В этот же раздел можно оставлять жалобы по всем нарушениям прав инвалидов: отсутствию пандусов в переходах, неработающих голосовых оповещениях на переходах (там, где они есть), отсутствию информации, необходимой для слабослышащих или незрячих людей (оповещения с сурдопереводом, титры и пр.)

Для подачи обращения на портале ЖКХ <http://e-kommunal.uz> (или <http://ek.uz>) необходимо авторизоваться, зайти в пункт меню Обращения, далее выбрать пункт меню Подать обращение, в разделе Сфера выбрать пункт "Социальные" и в Категориях выбрать "Инвалидные дорожки" (это условное название для всех обращений, связанных с нарушением прав инвалидов).

На семинаре сообщили, что в Узбекистане проживают 780 000 людей с инвалидностью, из них дети до 16 лет составляют 97 000 человек. Также было сказано, что в общественном сознании постепенно происходит перелом в отношении к инвалидам от взгляда, что их надо лечить и помогать (благотворительный подход) к взгляду, что им надо создать условия для равноправной активной жизнедеятельности (социально-правовой подход). Дополнительную информацию о процессах и нормативно-правовую базу для работы в этом направлении можно найти на сайте Госкомтруда <http://mehnat.uz>. Будем надеяться, что совместные усилия всех участников семинара и всех активных граждан сделают наше общество богаче за счет вовлечения инвалидов в активную социальную деятельность.

uzinfocom.uz



### КОРОТКО...

**Облако** в облаках: новый Boeing перевозит полтерабайта данных за один рейс. Объем данных, генерируемых в течение одного полета лайнера Boeing 787, может превысить половину терабайта. Об этом рассказал изданию Computerworld директор по информационным технологиям авиакомпании Virgin Atlantic Дэвид Булман.

В авиакомпании в этой связи ожидают резкого роста количества подлежащих обработке данных.

Пришло время переходить от традиционных средств хранения и обработки данных к облачным, считает Булман. В Virgin Atlantic сейчас устанавливают несколько частных "облачных" систем и рассматривают возможности использования публичных для данных меньшей степени секретности.

Созданы первые приложения для очков-компьютера Google. Gmail проинформирует пользователя в волшебных очках о входящих сообщениях и позволит отправить письмо, надиктовав его текст. Приложение газеты The New York Times покажет заголовки новостей и прочтет статьи вслух. Пользователи Evernote смогут прикреплять к заметкам снимки, сделанные с помощью встроенной в очки камеры.

Видео разрешил пользователям продавать их видеоролики. Известный видеохостинг, популярный и режиссеров-любителей и создателей авторского кино, поможет им заработать. Новая услуга дает право продавать или давать в аренду свои ролики по цене, устанавливаемой самим автором. Хостинг берет себе 10% от выручки.

Франция третьей из европейских стран может на законодательном уровне закрепить понятие сетевого нейтралитета. Ранее принципы сетевого нейтралитета были утверждены в Нидерландах, Словении и Норвегии. В мире подобные принципы также были утверждены в Чили, в США идут активные дискуссии по этому поводу.

# Хабарлар +tv

ДУШАНБА

ДУШАНБА — 25 МАРТ

5.55 Қўрағуллар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"  
7.00 "Икким"  
7.05 "Қўлиқа қўлиқ истайди"  
7.20 "Чатингтон", М/с.  
7.30 Миллий сериал: "Фидойилар".  
8.00 "Талқиннома"  
8.40 "Юртим буйлаб" дастури: "Қўшлар олами".  
9.05 "Аён бахти".  
9.25 "Парақитил дастури".  
9.35 "Икким".  
10.00 "Мартин жоним", Т/с.  
10.45 "Мезгин болим".  
11.00 "Айборот".  
11.10 "Ватанпарвар".  
11.55 "Икким".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон"  
12.50 "Қўлиқа қўлиқ истайди".  
13.05 "Комансар Реас", Т/с.  
13.50 "Моҳир қўлар".  
14.00 "Айборот".  
14.15 "Эне сўнгасиз: Эътиқод муҳаббатлиги йўлида".  
14.35 Узбек киноси: "Хотира рашик".  
15.35 "Икким".  
15.40 Жаҳон мусика хазинасида.  
"Азизама Лекурер", Ф. Чилеа, 1-қисм.  
16.40 "Ихсон дарё орлинда".  
17.00 "Айборот".  
17.10 "Самарқанд ноилари".  
17.25 "Ифтисол".  
17.30 "Эркин фикр".  
17.55 "Эркаклар - аҳолига келасан етаклар".  
18.00 "Қўлиқа қўлиқ истайди".  
18.15 "Қорғоқ".  
18.25 ТВ - шифоҳоти.  
18.40 "Комансар Реас", Т/с.  
19.25 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 "Айборот" /рус/.  
20.05 "Наъсий буютигани".  
20.10 "Меҳмоннома ҳаётини", Т/с. Премьера.  
21.00 "Айборот".  
21.40 "Муштанбағ".  
22.10 "Қўлиқа қўлиқ истайди".  
22.25 "Сарой жавоиди", Т/с.  
23.30 "Икким".  
23.45 03.00 "Халқларим", Х/ф.  
00.00 Қўрағуллар дастури.  
00.05 "Наъсий сайти".  
00.25 "Қорғоқ".  
00.50 "Юртим буйлаб" дастури: "Юртим таровати".  
1.00 "Айборот" /рус/.  
1.30 Теле Гейм: "Қадиққ уйил", 1-қисм.  
1.10 "Ватанпарвар".  
2.30 "Икким".  
2.35 "Қадиққ", 1-қисм.  
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон"  
4.00 "Айборот".  
4.40 Миллий сериал: "Фидойилар".  
5.10 "Икким".  
5.15 "Аён бахти".  
5.35 - 5.55 "Ихсон дарё орлинда".



6.00 "Ватан меҳри".  
6.10 "Икким", Т/с.  
7.00 "Ўз-Янқалма".  
7.30 "Муштанбағ".  
8.00 Миллий сериал: "Оруллар фасли".  
8.40 "Ёшлик наволари".  
9.00 "Тўғийа сарғушларини", Т/с.  
9.30 Болалар илҳоми.  
10.00 "Қамолот-инфо".  
10.10 "Миллий кино: Туғил".  
11.30 "ABC-kids".  
11.40 "Келгилар Грант иқлим", Т/с.  
12.50 "UzEX".  
13.00 "Длар".  
13.10 "Табоб", Т/с.  
14.00 "Наърий зақиди қисса".  
14.30 "Ёшлик наволари".  
14.50 "Тўғийа тўғиғи".  
15.10 "Икким", Т/с.  
16.00 "Длар".  
16.10 Миллий сериал: "Оруллар фасли".  
16.50 "Илҳом қондоғли".  
17.10 "Тўғийа тўғиғи".  
17.30 "Меҳна турмуши ҳақиқатини" Б/ф.  
18.40 "Ёшлик наволари".

19.00 "Длар".  
19.30 "Афсунлар", Т/с.  
20.20 "Қўлиқа қўлиқ истайди".  
20.50 "Эркаклар болаларини".  
21.10 "Табоб", Т/с.  
22.00 "Длар".  
22.30 "ЎзEX". Б/ф.  
23.50 "UzEX".  
00.00 "Ватан меҳри".  
00.10 "Ёшлик наволари".  
00.30 "Длар".  
1.00 Миллий кино: "Туғил".  
2.20 "Бахт формуласи".  
3.30 Ўғиллар.  
4.30 "Афсунлар", Т/с.  
5.20 "Ўнгутмас оқинлар".  
5.50-6.00 "Миллий мерос".




06.00 "Мадрин".  
06.05 Қўрағуллар тартиби.  
06.10 "Ғолиғ туғиғини".  
06.20 "Ўрт-момонт", Т/с. 37-қисм.  
Яратганга шукрлар бўлсинки, буғун юртимизда ажойиб ўзгаришлар бўлмоқда. Бу ўзгаришлардан биз, меҳнат фахрийлари, жуда мамнувимиз. Мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийларига, поғиронларга, ёлғизларга, боқувчисини йўқотганларга алоҳида эътибор қаратилиб келинаётганлиги қувончлидир. Биз кексаларга нафақаларини ўз вақтида етказиб бериш почта ходимлари олдидаги энг маъъуниятли вазифалардан биридир. Ўз вазифасини аъло даражада бажариб келаётган почта ходимларидан донмо мамнувимиз.

Хонгул НУРМАТОВА,  
Чироқчи тумани

### Тарбия мактаби

2013 йил 14 март куни "Аҳоли, айниқса, ёшларнинг китоб, матбуотга бўлган муносабатини, атрофдаги бўлаётган воқеъликка дахлдорлик хиссини ошириш, интернет тармоғидан унумли фойдаланиш, дистриктив ахборотлардан химояланиш, бепарқ бўлмасликка қорлаш мақсадида жойларда олиб бориладиган тарбиёт-ташвиқот ишларига оид тарбиётчилар гуруҳининг манзилли дастури" асосида "Китоб — ёшлар учун тарбия мактабидир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Уни А. Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директор ўринбосари Ш.Бақоева олиб бориб, тадбир меҳмонларини талаба-ўқувчиларга таништирди ҳамда китоб ва унинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтди. Сўнгра АКМ дирек-

тори Р.Ражабов "Китоб — қалб гавҳари, кўнги оғтоби", Навоий шаҳар Маънавият тарбиёт бўлими раҳбари Ҳ.Жўраевлар "Китоб — маънавият мактаби" мавзуларида маъруза қилишди. Улар талабаларни китобни севишга, бадиий адабиёт мутолааси билан кенгрок шуғулланишга қорлашди.

Давра суҳбатида фаол китобхонлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ва китоб асрларни-асрларга, замонларни-замонларга, ришталарни-ришталарга уловчи воқеа эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдилар.

Н. БАРНОҚУЛОВА,  
Навоий вилоят АКМ фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мудири

World of Tanks онлайн ўйини Гиннеснинг янги рекордини ўрнатди (190 541 киши).

Xabar  
[www.xabar.uz](http://www.xabar.uz)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан "F AND L-LINE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003485 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 11 мартдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божмиқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганликлари учун навбатдаги харийлик давлат божининг тўлов муддатларини бузганликлари сабабли:

"АЛОҚА-ТЕЛЕ-ЛЮКС" хусусий корхонасининг (Қарши ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002406 рақамли;

"ASU TECHNOLOGY" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002494 рақамли;

"FAYZLI-XIZMAT" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002523 рақамли;

"TELECOM PROJECT PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002556 рақамли;

"PROFELSIKOM" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002567 рақамли;

"КОМЕQ" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002630 рақамли;

"CELL TECHNOLOGY COMMUNICATIONS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002672 рақамли;

"CELL TECHNOLOGY COMMUNICATIONS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002701 рақамли;

"Mirjalol qurilish shuxrari" хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002659 рақамли;

"VASCO TECHNOLOGY SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002822 рақамли;

"IDEAL MOBIL SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (Бухоро ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002707 рақамли;

"ALFA TELEKOM" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002725 рақамли;

"DIGIGATE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002738 рақамли;

"MUXANDIS TEXNIK SERVIS" маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002844 рақамли;

"MUXANDIS TEXNIK SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002845 рақамли;

"MUXANDIS TEXNIK SERVIS"

масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002846 рақамли;

"ZIYODA" хусусий корхонасининг (Фарғона вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002977 рақамли;

"DEL-MONOLIT" масъулияти чекланган жамиятининг (Гулистон ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002983 рақамли;

"Фарғона Алоқа Таъмирловчи" хусусий корхонасининг (Фарғона ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003145 рақамли;

"Сайрам-чирой сервис" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003205 рақамли;

"Сайрам-чирой сервис" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003206 рақамли;

"Сайрам-чирой сервис" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003207 рақамли;

"INTERGROSS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003389 рақамли;

"MPC International Investment end Consultants GmbH-Tashkent" Швейцария шўъба корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003547 рақамли;

"MPC International Investment end Consultants GmbH-Tashkent" Швейцария шўъба корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003711 рақамли;

"Қарши тадқиқот конструкция" масъулияти чекланган жамиятининг

(Қашқадарё вилояти) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003598 рақамли;

"Қашқадарё Махсус Монтаж — КМУС" МЧЖ таркибидagi "АВТО КМУС МЕХАНИЗМ" унитар корхонасининг (Қашқадарё вилояти) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003599 рақамли;

"INTERKOM" масъулияти чекланган жамиятининг (Самарқанд ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003689 рақамли;

"ТЕХАФОЛАТ" хусусий фирмасининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003721 рақамли;

"STRONG TOWER" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003733 рақамли;

"FON" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) телерадиодастурлар тарқатиш тармоқларини лойихалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003804 рақамли;

"AZIYA MOBILE STROY" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003844 рақамли;

"MOBLINK TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003901 рақамли;

"Зиёда" кўп тармоқли кичик корхонанинг (Андижон ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002522 рақамли;

"Жиззах тезкор алоқа" хусусий корхонасининг (Жиззах ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003141 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 12 мартдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

## ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ КЎМИТАСИ

### Доцентлар

Ахборот технологиялари — 1;  
Информатика — 1; Компютер графикаси ва дизайн — 1.

### Катта ўқитувчилар:

Иктиод — 1; Чет тиллари — 2.

### Ассистент (ўқитувчи)лар:

Менежмент ва маркетинг — 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти — 1; Телерадиоэшиттириш студиялари ва жиҳозлари — 1; Радиотехника ва радиоалоқа — 1; Олий математика — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичда қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари катнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: 238-64-06.



### ФАКТ

Телеканаллар рўйхатдан ўтишни афзал биладиган .TV домени .COM ёки .ORG сингари умумий домен ҳисобланмайди. Даставвал бу домен Океанияда жойлашган миттигина Тувалу давлатига тегишли эди. Тувалу ҳукумати домендан фойдаланиш ҳуқуқини сотишга қарор қилди ва эндиликда бунинг эвазига йилга 2 миллиондан ортиқ даромад топаяпти — бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг тахминан ўндан бир қисмини ташкил этади.

### Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси жамоаси Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси Ахборот тизимлари ва Интернетда хизматларнинг ривожлантириш бўлими бошлиғи ўринбосари Раъшан Набиёва волидан мухтарамаси **Дилбар ХОДЖАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иттиҳор этади.

"Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази" давлат унитар корхонаси жамоаси Телекоммуникация тармоқларини бошқариш бўлими бошлиғи Александр КИМга волидан мухтарамаси **Иветта ГОРЕЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали жамоаси Наманган шаҳар ишлаб чиқариш участкаси 16-алоқа бўлими бошлиғи **Хасанжон НИЗАМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.


  
UZTELECOM

# "Ўзбектелеком" АК

## жамоаси



*Юрtdошларимизни яшариш ва янмиланиш айёми —  
Наврўзи олам билан муворақбод этади!*

**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ДАВЛАТ ҚУМИТАСИБош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВГазета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2006 йил  
6 декабрда рўйхатга олинган.ТАХРИР ХАЙЪАТИ:  
Хурийд МИРЗАХИДОВ (Хайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,  
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустан ҚОСИМОВ,  
Сувои НАЖБИДДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.Газета  
ҳафтанинг  
жума куни  
чиқади"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида chop этилди.  
Мавзуд: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.Г-352 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қозғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Алади: 18015 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.Видеот  
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навойда 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукулда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчада 226-37-16	Фарғонада 224-18-05	Қаршида 931-08-99
------------------------	-----------------------	------------------------	-----------------------	----------------------	-------------------------	----------------------	--------------------------	-----------------------	------------------------	------------------------	------------------------	----------------------



## ВИРТУАЛ ОЛАМ ИМКОНИЯТЛАРИ

Улардан ўз ўрнида фойдаланайлик!

А йни кунда ижтимоий тармоқларнинг турлари кўпайиб, йўналишлари ранг-баранглашиб бормоқда. Ёшлар қатори катталарнинг ҳам доимий манзилгоҳига айланган "Facebook" халқаро ижтимоий тармоғи инсонларни, яъни синфдош, курсдош, ҳамкасбларни кидиришга, улар билан суҳбатлашишга имкон беради. "ВКонтакте"да мана шу функциялар билан бирга, иш ва ўқишга доир батафсил маълумотлар олиш, онлайн шаклда кино томоша қилиш мумкин. "LinkedIn" касбий тармоғи иш, иш бўйича ҳамкорлар топишга кўмаклашади. "Last.fm" эса мусикий ижтимоий тармоқ бўлиб, мусиқаларни юклаб олиш, эшитиш, ҳар хил мусиқий тадбирларда иштирок этишга шароит яратади. Ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти, инсон ҳаётидаги ўрнининг ошиб бораётгани, ихтисослашаётгани мисолида янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Масалан, "Newsland" — янгиликлар ижтимоий тармоғида оммавий ахборот воситаларида берилган долзарб мавзудаги материаллар муҳокама этилса, "Мой Круг" касбий алоқаларга тегишли мулоқотларни олиб борувчи виртуалманзилдир. Агар сиз санъат ихлосманди бўлсангиз "Deviantart" — rassomlar ижтимоий тармоғида санъатни сеувчилар билан фикр алмаша оласиз. Шунингдек, "LiveLib" — китобсеварлар тармоғида янги ўқиган асарингизни муҳокамага қўя оласиз, адабий янгиликлардан бохабар бўласиз.

11-бет

### Алоқа оламида

Hewlett-Packard компанияси янги мобил 3D технологиясини ишлаб чиқди.

Бунда мобил қурилма экранида акс этадиган уч ўлчамли видеони 45 даражагача кенгликда 3D-кўзойнаксиз томоша қилиш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, дастлабки "кўзойнаксиз" 3D-экран технологиясини Япониянинг Nintendo компанияси 3DS ҳамда 3DS XL мобил консолларида татбиқ этган, аммо уларда экран сал оғиши билан тасвирларнинг уч ўлчамлиги йўқолиб кетаётганди.



### Ушбу сонда:

- Янги технологиялар ҳамкорликка чорлайди 2
- Етакчи мутахассислардан мастер-класс 3
- Pentiumнинг йигирманчи баҳори 4
- Интерактивные государственные услуги 6
- Чет тилини ўрганиш "ZiyoNET" билан янада қулай! 12
- Пентакампионлар 15

## Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 март куни Оқсаройда Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз ақия қўшиқлар ва вақт синовидан ўтган шериклар сифатида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан, бир-бирининг ва бутун минтақанинг бардавом ривожланиши ва тараққиётидан бирдай манфаатдор экани қайд этилди. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятта эга долзарб муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 26 март куни Ўзбекистон — Умон Султонлиги Ишбилармонлар кенгашининг иккинчи мажлиси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Анжуманда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, нефт-газ, банк сектори, қурилиш, кимё саноати, сайёҳлик, тўқимачилик ва саноат соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Умон компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни масаласига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда республикада аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш борасида қилيناётган ишлар уларнинг ояда, жамиятда муносиб ўринга эга бўлишларини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Таъқиқот маркази томонидан "Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик масалаларини такомиллаштириш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда солиқ қонунчилиги базасини такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам таклифлар билдирилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида "Ислохотлар замирида миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда кадрлар малакасини ошириш, даврий наشرларни чоп этишда замонавий полиграфик технологиялардан фойдаланиш, босма наشرлар веб-сайтларини яратишга оид масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонаси БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Наврўз байрами нишонланишининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Бош Ассамблея залыда бўлиб ўтган тапталани талбирда БМТ, дипломатия корпуси, халқаро ташкилотларнинг, шунингдек, ижтимоий ва академик доираларнинг вакиллари иштирок этишди. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ўз чиқишида Наврўз табиат билан уйғунлигининг, инсоний бирдамлик ва янги ташаббусларнинг рамзи эканлигини қайд этди.

**Жорий йилнинг 27-28 март кунлари Тошкентдаги "Сити Палас" меҳмонхонасида "Марказий Осиёда электрон тўлов хизматларини ривожлантириш" ҳамкорлик лойиҳасининг ишчи йиғилиши бўлиб ўтди.**



# ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Мазкур лойиҳа Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ) ва Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (ХҚХРЖ) ҳамкорлигида йўлга қўйилган бўлиб, унда жаҳоннинг қатор почта операторлари, жумладан, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳам иштирок этмоқда.

Юқори технологияли телекоммуникацияларнинг ривожланиши мамлакатимиз учун жуда муҳим аҳамият касб этади ва республика почта алоқасини замонавийлаштириш дастури айнан ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга асосланган. Таъкидлаш керакки, 2010 йилгача бўлган даврда мамлакатимиз миллий почта оператори томонидан корпоратив компютер тармоғи яратилиб, унинг асосида электрон пул ўтказмалари автоматлаштирилган тизими йўлга қўйилди.

2005 йили Бутунжаҳон почта иттифоқининг IFS молиявий тизимига республикаимиз миллий почта оператори ҳам уланди ва унинг 14та филиалида электрон пул ўтказмалари тизими ишга туширилди. Бугунги кунда мазкур тизимга мамлакатимиздаги 940дан зиёд почта алоқаси объектлари боғланган. 2008 йили мазкур тизим асосида Украина, Россия, Қозоғистон, Беларус ва Молдова билан халқаро электрон пул ўтказмалари хизмати йўлга қўйилди.

2012 йили яна бир янги лойиҳа амалга ошди — март ойдан бошлаб гибрид (аралаш) пул ўтказмалари тизими ишга туширилди, ишон билан эса тўлиқ электрон шаклда қабул қилиш йўлга қўйилди.

Март ойининг сўнги ҳафтасида

ўтган ишчи йиғилишида — Россия Федерацияси, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари почта операторларининг молиявий хизматлар учун маъсул мутахассислари қатнашди.

Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик (АСХХ) лойиҳа раҳбари Наврўз Мамедов (Озарбайжон) Электрон почта пул ўтказмалари ва ижтимоий тўловлар хизматларини ривожлантириш ҳақида маъруза

**Юқори технологияли телекоммуникацияларнинг ривожланиши мамлакатимиз учун жуда муҳим аҳамият касб этади ва республика почта алоқасини замонавийлаштириш дастури айнан ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга асосланган.**

қилди. БПИ Халқаро бюроси Ҳудудий техник маркази эксперти Александр Можаров (Россия) IFS ва STEFI тизимлари учун янги техник ечимлар тақдимотини ўтказди. Россиялик мутахассис тизимдаги сўнги ўзгаришлар, IFS тизимининг Қирғизистон ва Тожикистонда ўрнатилиши ва унинг синов натижаларига ҳам батафсил тўхтади.

Олдий электрон ўтказмалар ҳамда қўшимча хизматлар/тўловлар: тезкор ўтказмалар, электрон ўтказма-



**Сергей НАББА,**  
БПИ молиявий хизматлар бўйича координатори:

— "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ мамлакатимизнинг барча аҳолисига хизмат кўрсата оладиган кенг тармоққа эга. Кадрлар масаласида ҳам ижобий фикрдамиз. Ишлаб чиқариш даражаси миқозларини ўсиб бораётган талабларига жавоб беради, почта жўнатмаларига ишлов бериш сифати эса халқаро стандартларга мувофиқ келади. Ҳозир сизларда илғор технологияларга асосланган янги лойиҳалар татбиқ этилмоқда, ишониманки, келгусида бу борада катта натижаларга эришасизлар.

лар алмашинуви ҳажми бўйича халқаро алмашинуви очишлига ҳозирлик кўриш ва унинг шартларини тасдиқлаш, томонларнинг бу борадаги таклифлари, почта молиявий хизматлари, жумладан, электрон пул ўтказмалари ва ижтимоий тўловларини ривожлантириш, миллий почта операторлари таклиф этаётган янги махсулот ва хизматлар, электрон пул ўтказмалари хизматлари маркетинги ва рекламасини ривожлантиришнинг ҳамкорлик лойиҳаси иштирокчилари томонидан ўзаро уйғунликда олиб бориш, технологик жараёнларни замонавийлаштириш борасидаги таклифлар, энг чекка ҳудудларда молиявий хизматларни татбиқ этиш ва тараққий эттириш каби масалалар йиғилиш давомида атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида ҳамкорлик лойиҳаси қатнашчилари "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ почта объектларида бўлиб, у ердаги иш жараёни билан ҳам яқиндан танишинди.

**Собит АҲАДОВ,**  
"Xabar" мухбири



**БПИ-ХҚХРЖ лойиҳаси ҳудудий раҳбари Бауржан Иманов (Қозоғистон):**

— "Марказий Осиёда электрон тўлов хизматларини ривожлантириш" ҳамкорлик лойиҳаси Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон Республикаларини қамраб олган бўлиб, татбиқ этилиш мuddати 2011 йил декабридан 2013 йилнинг июл ойигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Лойиҳанинг мақсади мазкур ҳудудлар аҳолисига БПИ халқаро электрон почта тўловлари орқали сифатли пул ўтказмалари хизмати кўрсатишдир. Бизнинг зиммамиздаги вазифалар эса жуда кўп. Жумладан, амалдаги почта тўлов хизматларини ривожлантириш; пул ўтказмалари ва ижтимоий тўловларни тўлаш мuddатларини янада жадаллантириш; хизматлар учун устамаларни имкон қадар қамайтириш; почта тўлов хизматларига янги-янги почта алоқаси бўлимларини улаш ва бошқа тадбирларни тилга олиш мумкин.



## Кулайлик

**"Ўзбектелеком" АКнинг "ЎЗИ" қўшма корхонаси ҳамкорлигида "ЎЗИ-Самарқанд" филиали томонидан Самарқанд шаҳри фуқаролари ва меҳмонлари учун алоқа соҳасида яна бир кулайлик яратилди.**

Шаҳарнинг марказида жойлашган 231/233-АТС биносидан барча кулайликларга эга, энг сўнгги русумдаги 40та компютердан иборат юқори тезликдаги интернет-кафе ишга туширилди.

Бир вақтнинг ўзига ўн турдаги хизматларни кўрсата оладиган бу мажмуанинг очилишида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Д.Хўҷамбердиев, "ЎЗИ" қўшма корхонаси раҳбари Мансур Алиев ва бошқалар қатнашди.

"ЎЗИ-Самарқанд" филиали тасарруфидан бугунги кунда иккита "Ягона ойна" маркази фаолият кўрсатмоқда, — деди биз билан суҳбатда "ЎЗИ-Самарқанд" филиали директори Гера Ли. — Бу шаҳарликлар ва вилоят туманларидан келадиган фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар учун етарли даражада эмас. Шу сабабли шу йилнинг ўзига яна иккита — 221/222-АТС ва 34-АТС биноларида "Ягона ойна" марказларини очиб ниятидаим.

Интернет-кафеда интернет хизматида ташқари, сканер, нуска кўчириш ва факс, CD ва DVD дискларига ёзиш каби хизматлар мавжуд.

**Абдуғафур ХОТАМОВ,**  
"Хабар"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

# Етакчи мутахассислардан мастер-класс

**Тошкент ахборот технологиялари университетидан "Электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълимий ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологиялари" мавзусида халқаро семинар ўтказилди. Видео-конференция тартибидан ўтказилган тадбирда университетнинг Самарқанд, Нукус, Фарғона, Қарши, Урганч филиаллари ўқитувчи ва талабалари ҳам иштирок эттишди.**

Тадбирни ТАТУ ўқув ишлари бўйича биринчи проректори Тўлқин Тешабоев кириш сўзи билан очиб, бундай деди:

— Бугунги семинардан кўзланган мақсад — ахборот-кутубхоначиларини, университетнинг ушбу йўналиш ўқитувчиларини ва тадқиқотчиларини электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълимий ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияларининг замонавий усуллари, хориж тажрибалири билан таништиришдан иборат. Мастер-класс тартибидан ўтадиган семинарда хорижнинг етакчи электрон илмий-таълимий ахборотлар яратиш компаниялари вакиллари тақдимотлар ўтказдилар. Ушбу маърузалар республикамиз ахборот-кутубхона муассасалари

ри ходимларига, университет талабалари, профессор-ўқитувчиларига ҳамда илмий-таълимий ресурслар тўғрисида билим олишга қизиқувчиларга фойдали бўлишига умид қиламиз.

Мастер-класслар Springer, ProQuest, Wiley, EBSCO publishing, E-Library каби жаҳоннинг етакчи компаниялари мутахассислари томонидан инглиз тилида олиб борилди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур семинар бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Сўнгги йилларда ушбу семинар ва тақдимотлар туфайли мамлакатимиз ахборот-ресурс марказлари 25 000дан ортиқ электрон журналлардан бепул ёки имтиёзли тарзда фойдаланиш имконига эга бўлдилар. Бу эса ўқув жараёни ва илмий тадқиқотлар даражасини сезиларли оширди. Тақдимотларни видео-конференция орқали вилоятларимиз мутахассислари тинглаш имконига эга бўлиши ҳудудларда ҳам ушбу соҳада жаҳонда юз бераётган энг сўнгги тенденциялардан хабардорлик даражасини оширади.

Ўзбекистон халқаро лойиҳалар концернуми eIFL (Electronic Information for Libraries)нинг ўн йилдан буён фаол аъзоси ҳисобланади. Айнан ушбу аъзолик мамлакатимиз мутахассисларига жа-

ҳоннинг етакчи компаниялари билан фаол ҳамкорлик қилиш, биргаликда тақдимот ва семинарлар ўтказиш имконини яратди.

Ҳамкорлик натижаси ўларок, ўтган йили мамлакатимизда электрон илмий-таълимий ресурсларга обуналар уюштиришга ихтисослашган биринчи — E-LINE PRESS компанияси ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу компания нафақат ахборот-кутубхона муассасаларига электрон китоб ва журналларга обуна бўлишига қўмаклашиш, балки миллий электрон ресурсларни шакллантириш, соҳа мутахассислари учун тренинг, тақдимотлар ва семинарлар ташкил этиш билан ҳам фаол шугулланиб келмоқда.

Иштирокчилар бу сафарги семинар ҳам аввалгиларидек самарали ўтишига ишонч билдиришди. "Ахборот технологиялари", "Телекоммуникациялар", "Ахборот-кутубхона фани" ва бошқа мавзуларда қилинган маърузалардан сўнг иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоблар олишди.

Семинар якунида ахборот-кутубхона муассасалари олдида турган долзарб вазифалар, имкониятлар, самарадорликни оширишда хориж тажрибаларидан унумли фойдаланиш йўллари муҳокама этилди.

**Ўз мухбиримиз**

## "Ўзбекистон почтаси"

**ОАЖда жамиятнинг вилоятлардаги филиаллари директорлари учун махсус ўқув курслари иш бошлади. Улар тўрт кун давомида компютер саводхонлиги, ижро интизоми, почта алоқаси ва хавфсизлиги, иқтисод, бухгалтерия ва меҳнат муносабатлари бўйича ўз малакаларини оширадилар.**

Курсларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари А.Файзуллаев ҳамда жамият бош директори Р.Қосимовлар иштирок этиб, ўқув курсларини ташкил этишдан мақсад, почта соҳасини янада ривожлантириш учун бугунги раҳбарлар олдига қўйлаётган талаблар ҳақида сўз юритишди ва тингловчиларга омад тилашди.

Айтиш жоизки, почта алоқаси тизimini ривожлантириш, кадрлар малакасини муттасил ошириб бориш борасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ раҳ-

# Замон талаби



барияти режалар асосида кенг қўламли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Навбатдаги ўқув курслари ҳам ушбу режаларда кўзда тутилган тадбирлардандир. Зеро, бугун соҳа фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан татбиқ этилмоқда. Булардан иш жараёнида самарали фойдаланиш эса ходимлар, айниқса, раҳбарлар кўникмасига, малакасига боғлиқ. Соҳа ходимлари янги

техника ва технологиялардан фойдаланишни қанчалик мукамал эгалласа, ишда шунчалик кутилган унум ва сифатга эришилади.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 289-қароридан давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида компютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ходимлар

малакаси ва кўникмаларини компютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича малакасини оширишга қўйилган давлат талаблари белгилаб қўйилган, — дейди жамиятнинг Кадрлар ва малака ошириш бўлими бошлиғи Тожикурод Хўжакулов. — Айни шу қарор ижросини таъминлашга қаратилган мазкур ўқув курсларимизга Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази қошидаги "BePRO — Education Center" ўқув марказининг Алишер Эгамбердиев ва Дилбар Жабборова сингари малакали мутахассислари жалб қилинган. Мақсадимиз — ходимларимизнинг компютерда ишлаш кўникмаларини замон талаблари даражасига кўтариш, шу орқали соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва турини кўпайтиришдир. Ўйлаймизки, филиаллар раҳбарлари курслар давомида ўзлаштирган билимларини ўзлари бошқараётган корхоналарда амалда қўлайдилар ва ходимларининг замонавий техникалар бўйича билимларини оширишга янада кўпроқ эътибор қаратадилар.

**Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ**

## Xalqaro hayot

СУРИЯ мухолифати — Миллий Коалиция Қатардаги Араб Давлатлари Лигаси саммитида мамлакатнинг расмий курсини эгалаган. Қатар амира Шайх Ҳамад бин Халифа ал-Таний икки кунлик анжумани очаркан, Сурия мухолифати вакиллари ушбу ўринга расман таклиф қилган. Сурия байроғи ҳам Миллий Коалиция байроғи билан алмаштириб қўйилган. Ўз навбатида, у БМТ Хавфсизлик Кенгашидан Суриядаги икки йиллик можарога барҳам беришга ёрдам сўраган.

Миллий Коалициянинг саммитга таклиф этилиши расмий Дамашқнинг газабини келтирган. "Лига Суриянинг ўйрилган курсини безорилар ва каллақасарларга тоширди", дейилади "Ал-Завра" нашрида.

ЗАМБИЯ собиқ президенти Рупия Банда ҳибсга олинди. У ўз ваколатларини суистеъмол қилишда айбланмоқда. Собиқ президентга қўйилган айбловга кўра, у Нигерия билан нефт етказиб бериш ҳақида бефойда шартнома тузган. Оқibatда мамлакат 11 миллион доллар йўқотган.

Банда ўзининг айбсизлигини уқтириб, судда ҳаммаси исботланишини таъкидламоқда. Адвокатнинг сўзларига қараганда эса, собиқ президентга қўйилган айблар тагида сиёсий мақсад яширинган.

АҚШ Афғонистондаги ўз назорати остида бўлган сўғити қамқохонани Афғонистонга тоширган. Гарчанд ўтган йил март ойида Америка Баграм қамқохонаси назоратини Афғонистонга тоширишга рози бўлган бўлса-да, тўла назорат масъулиятини ошириш бир йилга чўзилди.

"Бу қамқохонна назоратини тошириш Афғон Миллий Хавфсизлик кучларига хавфсизлик масаласида масъулиятни оширишдаги муҳим қадамдир. Айни маросим ҳам мустақил Афғонистоннинг тобора ўзига ишониб бораётганига далилдир", деб айтган Американинг Афғонистондаги Қуролли кучлари раҳбари генерал Данфорд.

МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИда ҳарбий тўнтарини юз берди. Қўзғолончилар бош кўтариши оқibatида МАР Президенти Франсуа Бозизе мамлакатдан қочиб кетган. Айни вақтда у қўшни мамлакат — Конго Демократик Республикасида кўнум тошган. Мамлакат пойтахти Банги бутунлай "Селека" кўзғолончилар гуруҳи қўлига ўтган.

Франция ҳукумати МАР пойтахтидаги халқаро аэропортда хавфсизликни таъминлаш учун ўз ҳарбийларини юборган. "Рейтер" агентлигининг ёзишича, айни вақтда мамлакатда кучли ва шафқатсиз жанг кетмоқда. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатда конституциявий тартиб ўрнатилишини талаб этмоқда.

ҚОБУЛ УНИВЕРСИТЕТИ 30 йилдан ортқроқ вақт асосида янқ бор хорижий талабаларга эшик очган. Элдик нафар йиғиқиздан иборат туркиялик талабалар тўрт йиллик таҳсилларини бошлаш учун пойтахт Қобулга етиб келишган. Улардан аксарияти форс, пушту тили ва адабиётини ўрганишмоқчи.

Қобул университети ўтмишда энг нуфузли ўқув даргоҳларидан бири саналган. Мамлакатда кетган узоқ йиллик урушлар боис таълим тизими деярли вайрон бўлган.

ФРАНЦИЯнинг "Osenat" кимосида уйда Франция императори Наполеон Бонапарт фотиҳа муносабати билан Жозефинага совға қилган узук 730 минг еврога сотилди. Бу ташкилотчилар умид қилган суммадан анча кўпдир.

Зангори ёқут ва бир қиротли ноқсимон бриллиант билан безатилган бу тилла узук аввалига 15 минг еврога баҳоланган бўлса ҳам, савдода унинг биринчи нархи 50 минг еврога ташкил қилди.

## ПЕНТИУМНИНГ ЙИГИРМАНЧИ БАҲОРИ

Шу ҳафта Intel корпорацияси Pentium оиласига мансуб микропроцессорларни чиқаришни бошлаганининг йигирма йиллигини нишонлади. Таъкидлаш керакки, мазкур процессорлар компания фаолиятида катта бурилиш ясади. Pentium (грекча "беш" сўзидан олинган, Intelning бешинчи авлод процессори эканига ишора) шунчаки йирик компания ҳисоблаш тизимининг бир бўлаги эмас, балки алоҳида бренд сифатида ном қозона олганининг ўзи фикримизни тасдиқлайди.

Pentium чиплари бугун биров эслай олмайдиган Intel 486 процессорлари ўрнига татбиқ этилган. Компания анъаналарига мувофиқ, Pentium процессорлари 586 деб номланиши лозим эди,

бирок корпорация маркетинг-лари уни ўзига хос номлаш омадли реклама юриши бўлади, деган тўхтамга келишди. Ва улар ҳақ бўлиб чиқишди. Корпорация бу чипни савдо белгиси сифатида патентлади. Pentium тақдими билан бир пайтда бу процессорларнинг ҳақиқатан ҳам компанияда ишлаб чиқарилганини тасдиқловчи таниқли Intel Inside логотипи ҳам пайдо бўлди.

Даставвал (1993 йил 22 март) икки русумдаги — 60 ва 66 МГц частотали P5 ядроли процессорлар чиқарилган. Кейинчалик яна-

Биринчи Pentium чиплари 800-нм технологияси асосида чиқарилган бўлиб, 3,1 млн.та транзистордан иборат бўлган. Такқослаш учун: ҳозирги Core i7 процессорлари 22-нм технологияси маҳсули бўлиб, 1,4 млрд. транзисторга эга.

да такомиллашган ядрога эга процессорлар тақдим этилди.

Компания процессорлари частотасини 5дан 66 мегагерцга етказиш учун 15 йил сарфлади. Яна 15 йилда бу кўрсаткич 2500 мегагерцга етказилиши мўлжалланган.

## АТ-хабарлар



Интернетдаги энг оммавий видеохостинг — YouTube пуллик бўлиши мумкин. Бу хабарни Google корпорацияси вице-президенти, YouTube ривожланишига масъул Роберт Кинцл журналистларга берган интервьюсида расман тасдиқлади.

CNET сайтининг маълумотига кўра, видеохостингга обуна баҳоси ойига 1-5 долларни ташкил этиши мумкин.

Яна бир маълумот: YouTube фойдаланувчилари сони ойига 1 млрд. нафарга етган.

Нью-Йорк штатининг политехника институтида электр оддий қоғоз эмас, у нанокөмпозитдан ясалган. Унинг ўндан тўққиз улушини барча қоғозлардаги сингари целлюлоза ташкил этади. Целлюлоза узра электрни яхши ўтказувчи ва электрод функциясини бажарувчи углеродли нанотрубкалар тармоғи ўтказилган.

Роберт Линхардт бошчилигидаги ишлашма муаллифлари унинг мобил телефонлардан тортиб автомобил ва самолётларда ҳам қўлланилиши мумкинлиги ҳақида айтишмоқда.

Гонконг тоғларда ер ости дата-марказлари қурмоқчи. Маълумки, Гонконгда ер ўта танқис. Шу боис энди аксарият қурилишлар, жумладан, дата-марказлар ҳам худуднинг ер ости кенгликларидан барпо этилади.

Илгари Норвегия ҳукумати ҳам ер ости дата-марказлари бунёд этишни режалаштирган, ammo лойиҳа ўта қимматлиги боис ахиддан қайтган.

JVC компанияси жаҳондаги биринчи 8K видео учун проектор (DLA-VS4800) ишлаб чиқди.

Яқиндагина Full HD тасвирга нисбатан 4 чандон тиникроқ тасвирни ифодаловчи 4K форматдаги видео ва уларни намоиш этувчи телевизорлар ишлаб чиқилиши бошланган. Бирок таракқиёт бир жойда турмайди ва одатда японларнинг бу жаҳада доимо етакчиликка интилишларидан хабардорсиз, албатта.

4K Full HDдан қанчалик тафовут қилса, 8K ҳам 4Kдан шунчалик фарқланишини фахрлаш кийин эмас. Бу форматдаги видео сифати ўта юқори бўлиб, DLA-VS4800 эни 4 ва ундан юқори бўлган экранлар, яъни кинотеатрлар учун мўлжалланган.



Токио ишбилармонлар нашри — Nikkeining хабар тарқатишича, NEC корпорацияси ўзининг мобил қурилмаларга ихтисослашган NEC Mobiling бўлинимасини сотишга ҳозирланмоқда. Бўлинима 70-80 млрд. иена (\$740-840 млн. атрофида)га баҳоланмоқда.



Твиттер ижтимоий тармоғига 7 йил тўлди. 2006 йилнинг 21 март кунини мазкур ресурс асосчиларидан бири — Жек Дорси ўз блогига ёзган "Just setting up my twttr" жумласи расман тармоқдаги биринчи твит хисобланади.

Айни пайтга келиб, ресурсда суткасига 400 млн.дан ортқ хабар жўнатишмоқда, Twitter эса жаҳондаги энг муҳим коммуникация платформаларидан бирига айланди.